Ушбу сонда:
2 Меҳнат муҳофазаси СЎМНИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ
3 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 апрел, шанба № 55 (1896)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингхнинг таклифига биноан 2005 йил 4-6 апрел кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.***

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалаларни, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

*Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар*

## ТЕХНИКА ИХЛОСМАНДИ

***Ширкат хўжалиги билан касабақўмнинг умумий йиғилишида жамоа шартномаси ижроси ҳақида гап кетганда, мажлис аҳли бирданига жонланиб кетди. Маърузачи, касабақўм раиси Ёқуб Билдировга саволлар ёғила бошлади. Биров трактор гаражида зарарли шароитда ишловчиларга парҳез таомлар етказиб беришда узилишлар бўлаётганлиги, цех касаба уюшма ташкилотининг бу борада уқувсизлиги, яна кимдир ёқилғи-мойлаш материаллари сарфидаги исрофгарчиликлар ҳақида куюниб гапирди.***

Трактор гаражи цех касаба уюшма ташкилоти таркибига фаоллар қаторида сайланган Икромжон ана шунда жамоа шартномаси ширкатдаги ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари жамланган бирданбир қонуний ҳужжат, шу билан баробарда, унинг ижроси учун каттаю-кичик бирдек куюниб-ёниб ишлаши зарурлигини тушуниб етди. Жамоанинг ҳар бир юмушига ўзини дахлдор сеза бошлади. Пайкал бошида бирор трактор бекордан-бекор «патиллаб» турса, томошабин бўлиб турмади. Ёнилғи-мойлаш материалларини исроф қилиш ширкат ғазнасига зиён бўлишини, оқибатда эртага қўлга тегадиган дивидент чўғидан барака кетишини ҳамкасбига ётиғи билан уқтирди. Ишловчи ходимларнинг иш шароитлари, дам олишларини яхшилаш, механизаторларга махсус кийим-бош етказиб бериш, ойлик маошларининг вақтида тўланишига эришишда Икромжон Бўронов доим жамоага ён босди.

Ихтиёридаги «Т-28» трактори мана 20 йилдирки унинг доимий ҳамроҳига айланган. Кабинага жойлашаётганда Икромжоннинг трактори чамбарагига кафтини уриб, «пўлат дулдулим» дея эркалатиб уриб қўйишини ҳамроҳлари жуда ёқтиришади. Дарҳақиқат, тракторини дулдул деса арзийди. Қорми, ёмғирми, далада гуриллаб ишлагани-ишлаган. Шу чоққача унинг тракторини шудгордан биров шатакка олиб чиққанини ҳеч ким билмайди. Сабаби Икромжон агрегатини фарзандлари қаторида «пўпалайди». Қўли бўшади дегунча, трактори атрофида парвона. Гоҳ мойлаётган, гоҳ бирор мурватини қотираётган, гоҳ чанггардини тозалаётган бўлади.

Бугунги техника кўригида тайёргарлик чизиғида турган «пўлат оти»нинг созлигига меҳмонлар қойил қолдилар. Трактор заводдан келгандек ярақлаб турарди. Кўрик ташкилотчиларидан бири рулга ўтириб, мурватга қўл тегиши билан трактор «патиллаб» ишлаб кетди. Баҳорги экиш мавсуми юзасидан ўтказилган кўрик-танловда Икромжон Бўронов ширкатдаги моҳир механизаторлар қаторида тилга олинди.

Балиқчи туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигида 700 нафар касабачи меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси жамоа шартномаси билан кафолатланган. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 33 центнер, ғалла ҳосилдорлиги 61 центнерга кўтарилди. Хомашё юз фоиз биринчи навга сотилиб, пахтачиликдан 87 миллион сўм даромад олинди. Топилган даромаднинг аксарият қисми ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда. Олис аҳоли манзилгоҳларига табиий газ, тоза ичимлик сув қувурлари тортиб келинди. Меҳнатчилар фойдаланилаётган газ ва электр, сув ҳақи тўловлари ширкат маблағи ҳисобидан қопланмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул кийим-бош, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланяпти.

Улуғбекликлар мураккаб шароитда деҳқончилик қиляптилар. Чунки хўжаликнинг 2,5 минг гектардан зиёд шўрланган экинзорлари бор. Ҳозирда ер текислаш, маҳаллий ўғит жамғариш, ариқ-зовурларни тозалаш каби кўкламги дала ишлари қизғин олиб бориляпти.

Техника парки мудири Сойибжон Турғуновни иш устида учратдик:

— Мавсумий ишларга 8 та чопиқ, 33 та ҳайдов ва бошқа турдаги машина-механизмлари, экиш агрегатлари дала ишларига жалб этилган. Тажрибали созловчилардан иборат техник ёрдам кўрсатиш гуруҳи кеча-кундуз хизматда, - дейди у. - Механизаторлар учун дам олиш хонаси ишлаб турибди. Иссиқ овқат тайёрланиб, сут-қатиқ тарқатиляпти. Айтиш керакки, барча юмушларда Икромжон кўпчиликка ибрат кўрсатмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ташаббус сўнмасин*

***Бу йил Қашқадарё вилоятида 1,6 миллион туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, гул кўчатлари экилиб, боғ ва хиёбонлар, кўчалар ва йўл бўйлари ўзгача чирой очди.***

## ҚИШЛОҚЛАРГА КЎРК БАҒИШЛАБ

Яқинда Яккабоғдаги 2-шифохона жамоаси ажойиб ташаббус билан чиқди. Улар касалхона атрофидаги очиқ майдонда икки гектарлик боғ барпо этишга қарор қилишди. Тумандаги ҳомий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши билан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

«Сиҳат-саломатлик боғи», деб аталадиган баҳаво масканда бўлган кишининг баҳри дили очилади. Қисқа муддатда кўм-кўк дарахтлар ва анвойи гулларга бурканган кўркам боғ барпо этилди. Бу хайрли ишни амалга оширишда тиббиёт ходимларидан М. Бектошева, Ш. Номозова, Г. Жонзоқова, Ф. Тариева, З. Расуловалар фаол қатнашдилар.

— Ҳудуддаги 16 та қишлоқ врачлик пунктининг ҳаммасида ана шундай боғлар яратилди, - дейди биз билан суҳбатда туман марказий шифохонаси бош ҳакими Б. Жўраев. - Янгидан бунёд этилган Эсат, Қозоқ, Узун, Чайдари, Мевазор, Қорасув, Совбулоқ, Каттабоғ, Олакўйлак, Маданият каби шифо масканларида мевазор боғ ва гулзорлар яшнаб турибди.

Вилоят халқ таълими ходимлари ҳам ибратли ташаббусдан ортда қолмадилар. Улар "Қарши" меҳмонхонаси рўпарасида жойлашган сайҳонликни тартибга келтириб, 2 минг туп қарағай кўчати ўтқаздилар. Уни "Зиёкорлар боғи" деб аташди. Янги боғни Қарши шаҳри халқ таълими бўлими ходимлари парваришлайдилар.

Воҳада қарийб минг гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Шаҳрисабз, Китоб, Касби, Косон, Миришкор, Нишон, Ғузор, Муборак туманларидаги янги боғлар шулар жумласидандир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## МЕРГАНЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўқ отиш бўйича ўтган «Олтин мерган» халқаро турнирида юртимиз спорти шарафини ҳимоя қилган Вячеслав Скромнов бир йўла иккита - олтин ва кумуш медални қўлга киритган бўлса, Дилшод Мухторов ҳам олтин ва бронза медаллар соҳиби бўлди. Яна Фатхи битта олтин, Иван Шахов иккита, Сергей Возишев ва Сакина Мамедова биттадан бронза медаль олди.

## ҚУТЛАЙМИЗ!

Фарғона шаҳрида ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича республика очиқ биринчилиги якунланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этган мусобақада икки юзга яқин спортчи иштирок этди.

Пойтахтлик Бобур Раҳматов, Талъат Ғуломов, Олим Аҳроров, Аваз Сирожиддинов, Шоҳруҳ Рўзиев, фарғоналик Эгамназар Йўлдошев, Рамз Неъматжонов ва Даврон Рустамов ўз вазн тоифасида ғолиб чиқдилар.

Мусобақа Тошкент шаҳри вакилларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» га жавоб берадилар*

## АДОЛАТЛИ ЧОРА КЎРИЛДИ

Таҳририятимизга Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 22-сонли мактаб касаба уюшма аъзолари шикоят хати йўллаб, унда илм даргоҳидаги тиббиёт тизими талабга жавоб бермаётганлигини, шунингдек, ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда муаммолар мавжудлиги таъкидланганди. Шикоят-ариза амалдаги қонунлар доирасида кўриб чиқиш учун тегишли мутасадди идоралар ҳукмига ҳавола этилганди. Яқинда таҳририят ана шу ариза юзасидан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

Бухоро вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари Қоракўл туманидаги 22-сон мактаб касаба уюшмаси аъзолари ёзган хат бўйича атрофлича таҳлил ўтказди. Ҳақиқатан ҳам илмгоҳнинг врач-стомотологи А.Худоёровнинг ўз вазифасини бажаришдаги лоқайдлиги туфайли стомотология машинаси техник носозлиги, мактаб ўқувчиларини соғломлаштириш ишлари сифатсиз олиб борилганлиги аниқланди.

«Човли» қишлоқ врачлик пункти мудири Д.Эгамбердиев муҳим ишларни назорат қилишда сусткашликка йўл қўйган. Туман марказий шифохона бош ҳакимининг жорий йил 16-мартдаги 40-сонли буйруғи билан беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйган камчиликлари учун «Човли» ҚВП мудири Д.Эгамбердиев ва врач-стомотолог А.Худоёровлар эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Қишлоқ врачлик пунктини бир ой муддат ичида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди ва вилоятдаги барча ҚВПларда бу борадаги нуқсонларга барҳам бериш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Х.ТОШЕВ,**
**Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи**



«Фарғонадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган янги тегирмон ишга туширилди. Бу ерда Швециянинг «Бюллер» фирмаси лицензияси асосида Россия ва Украинада ишлаб чиқарилган замонавий технологик жиҳозлар ўрнатилди. Бунга 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлари сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Янги тегирмон бир кеча кундузда 240 тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бунда бу ердаги технологик жиҳозларнинг барчаси компьютерлаштирилгани қўл келмоқда. Тегирмон маҳсулотлари Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

**Суратда:4-тегирмон ишчиси Исмоил Жўраев иш устида.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Кўчат ўтқаз —боғ ярат*

## АМУДАРЁ ҚИРҒОҒИДАГИ ОЛМАЗОР

***Оллаёрнинг ёшлиги Амударё қирғоғида ўтди. Мактабда ўқиётган пайтдаёқ рассомчиликка қизиқди. Айниқса, табиат манзараларини чизиш унинг жонидили эди. Кейинчалик шоир бўлишни орзу қилиб, табиат ҳақида шеърлар ёзиб юрди. Ҳарбий хизматни тамомлаб, уйлангандан кейин эса, барчасини йиғиштириб деҳқончилик ва боғдорчиликка қизиқиб кетди. У бозорлардан яхши навли мевалардан сотиб олиб, уларни кўпайтириш ҳадисини олди. Томорқасида етиштирилган кўчатларни бозорга олиб чиқиб сота бошлади. Шундан кейингина у ўзининг ҳаёт йўли боғдорчиликда эканлигини англаб олди.***

1998 йилнинг куз фасли эди, ўшанда. У Питнак ҳокими ҳузурига кирди:

— Ёшулли, биласиз, ҳудудимиз тупроғи вилоятнинг бошқа туманлариникидан фарқ қилади. Асосан дашт ва чўл ҳудудида яшаётганимиз туфайли дарахтларимиз сийрак. Питнак шаҳрида кўкаламзорлаштириш учун ниҳоятда кўп кўчат ўтказиб парваришлаш керак. Менга ер берсангиз, мевали ва манзарали дарахтларнинг уруғидан кўчатлар етиштирсам.

Ҳоким уни қўллаб-қувватлади. Ниҳоят масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, унга Оллаёрни бошлиқ қилиб қўйди. Жамиятга кўчат етиштириш ва боғ ташкил қилиш учун 10 гектар ер ажратиб берди. Оллаёр ўзи томорқасида ўстирган мевали дарахт кўчатларидан 7 гектарлик боғ барпо қилди. Қолган майдонларда мевали дарахтлардан олма, ўрик, бодом, нашвати, гилос, узум, манзарали дарахтлардан гужум, тол, терак, қайрағоч кўчатларини тайёрлай бошлади. Табиат бойлигига бойлик қўшаётган бу йигит 20 нафар одамни иш билан таъминлади. Корхона ўтган йили 10 миллион сўм соф даромад олди.

Шундай қилиб Оллаёр Эрниёзов бошлиқ жамоа кўчат ва мева етиштиришдан катта иқтисодий фойда ола бошлади.

– Айни пайтда биз етиштирган кўчатларни вилоятимизнинг барча туманларидан келиб олиб кетишмоқда. Боғ-роғларнинг пайдо бўлаётганлигини эшитиб, қувониб кетамиз, - дейди О.Эрниёзов.

Ташаббускор, тадбиркор йигит етакчилик қилаётган жамоа яна бир хайрли ишни бошлаб юборди. Улар воҳанинг қадимдан энг севимли ва ширин мевалари, айни пайтга келиб йўқолиб кетиш хавфи туғилаётган Хазорасп ҳамда Кенагас олма навларини етиштиришга киришдилар.

Ўтган йил жамоа аъзоларининг ўртача иш ҳаққи 60 минг сўмни ташкил қилди. Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳисоб рақамида ҳозир 80 миллион сўмга яқин пули бор. Жамоа бу маблағни трактор олиш ва қишлоқ мактабини таъмирлашга сарф қилиш ниятида.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Адлия идоралари ва «Ишонч» газетаси аралашувидан сўнг*

## ИНВЕСТОР ФАОЛИЯТИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

***Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамият касб этади. Кейинги вақтларда республикамизда хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизими яратилди, десак муболаға бўлмайди. Энг аввало, инвестиция ва инвестор ўзи нима эканлигини чуқур англаб олиш зарур. Инвестиция — бу саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга узоқ муддатли маблағ сифатида сарфланадиган харажатлар йиғиндиси. Инвестор эса, ана шу мақсадни амалга оширувчи шахс.***

Ҳозирги кунда республикамизда 3055 та хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар асосан ишлаб чиқариш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритмоқдалар. Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш бирламчи ўринда турган бир вақтда уларни эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, тегишли қонунлар, қарорлар қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги қарори билан Адлия вазирлиги марказий аппаратида Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар адлия бошқармаларида шундай бўлимлар ташкил этилди. Улар томонидан бундай корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келиб тушган 1414 та ариза-шикоятлар ўрганиб чиқилди. Уларнинг асосий қисми ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат идоралари томонидан қабул қилинган ҳужжатлардан норозилик ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни қўлланилмаслиги муаммолари тўғрисида бўлиб, ўрганишлар ушбу мурожаатларнинг аксарият қисми асосли эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳар бир мурожаат бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан атрофлича ўрганилиб, етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик ва фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди. Жумладан, 862 та мурожаатдан 682 таси бўйича хўжалик судларига, 179 таси бўйича фуқаролик судларига даъво аризалари киритилиб, 12,6 миллиард сўм ва 2,008 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўз эгаларига қайтарилди.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айрим масъул идораларнинг бу борада камчиликларга йўл қўяётганликлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хусусан солиқ, божхона идоралари ва банклар томонидан йўл қўйилаётган айрим ноқонуний хатти-ҳаракатлар хорижлик тадбиркорлар учун бир қанча муаммолар туғдираяпти. Оқибатда, улар ойлаб, ҳатто йиллаб ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сарсон бўлишмоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман давлат солиқ инспекцияси ўтказган текширишда Эрон "Содерат" банкининг Тошкент шўъба банки томонидан 5 та ҳолатда инкассо топшириқномалари қонунда белгиланган муддатларда ижро этилмаган, деб топилиб, банкка нисбатан 727.055 сўм молиявий жарима солинган ва бош ҳисобчи Н.Абдуллаева Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси 3-қисмига асосан 60.000 сўм миқдорида жаримага тортилган. Бироқ ўрганишлар шуни кўрсатдики, шўъба банки ва бош ҳисобчи Н.Абдуллаева етарли асосларсиз жавобгарликка тортилган. Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси мазкур жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинди.

Айрим туман давлат солиқ инспекциялари томонидан амалдаги қонунчилик нормаларига риоя этмаслик ва ишлаб чиқаришни юритишда турли сунъий тўсқинликлар қилиш ҳолатлари ҳам ҳанузгача бартараф этилмаган.

Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан "Форт- Кари" қўшма корхонаси 122.442.900 сўм миқдорида молиявий жаримага тортилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилганда ҳам ушбу жазо чораси етарли асосларсиз қўлланилганлиги аниқланиб, корхонанинг ҳуқуқлари тикланди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иш фаолиятида кўпчилик ҳолларда ноқонуний текширишлар, асоссиз жарима қўллаш ва қонунчиликда уларга берилган имтиёзларни қўлламаслик каби муаммолар ҳам учрамоқда.

50 фоиз ишчилари ногиронлар бўлган " United Consulting Group" қўшма корхонаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан ягона солиқдан озод қилинган. Лекин, Оҳангарон шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонага нисбатан ушбу имтиёз берилмасдан, 2002 йил учун 22.395.100 сўм миқдорида ягона солиқ ундирилган.

Шу ўринда яна бир ҳолатга тўхталиб ўтмоқчимиз. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябр кунги 469-сонли қарорига асосан умуммажбурий турдаги ҳуқуқий қоидалар ўрнатилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг 2004 йил 12 августдаги қўшма хати билан давлат рўйхатидан ўтказилмасдан, амалдаги қонунчиликка зид равишда "Интер-Роҳат" қўшма корхонаси ва унинг ҳамкорларига пиво сотиш учун банкда 002-сонли махсус щисоб рақам очиш талаби қўйилган. Адлия идораларининг аралашувидан сўнг корхонага нисбатан қўйилган бу талаб ҳам бекор қилинди.

Маълумки, кейинги йилларда Ҳукумат томонидан уй-жой фондини газ ҳисоблаш приборлари билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "2002-2004 йилларда уй-жой фондини газ ҳисоблаш приборлари билан жиҳозлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Бундан асосий мақсад табиий бойлигимиз бўлган зангори оловдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу орқали мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшишдир. Бугунги кунда барча хонадонларда ана шундай газ ҳисоблаш приборлари ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Бундай асбоб-ускуналар асосан Корея, Япония, Россиядан шартнома асосида олиб келинади.

Яқинда Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан "Uz-Metertech Company " Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб хўжалик судига киритилган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Корхона бош директори Н.Маҳбубовнинг аризасида келтирилганидек, божхона органлари томонидан қўлланилиши лозим бўлган имтиёзлар ҳеч бир сабабларсиз қўлланилмаган. Ваҳоланки, амалдаги қонун талабларига асосан республикамизга келтирилаётган газни ҳисобга олиш приборлари, шунингдек, импорт бўйича харид қилинадиган якка тартибда фойдаланадиган иситиш қозонларининг хавфсизлик ва тартибга солиш автоматикаси, газ горелка жиҳозлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини олиб келган хўжалик юритувчи субъектлар божхона тўловидан озод қилинади. Аммо божхона ходимлари "Uz-Metertech Company" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ва "Cosmo Electronics Co LTD" ҳамда Жанубий Кореянинг "Jiwon Holdings Co LTD" компаниялари ўртасида тузилган шартномага асосан олиб келинган товарлар учун 11 миллион 300 минг сўм божхона тўловини амалга оширган. Адлия идораларининг аралашувидан сўнг муаммо ўз ечимини топди, корхонанинг ҳуқуқлари тикланди.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо бу масаланинг ечими бўла олмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат идоралари раҳбарлари мамлакатимиз раҳбариятининг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари ва қонунчилик талабларига қатъий риоя этишлари лозим. Зеро иқтисодиётимизни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор.

**Собиржон ЗАКИРОВ,**
**Адлия вазирлигининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси,**
**Раҳима ЖЎРАҚУЛОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

*Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?*

# КАСАБА УЮШМАСИ

## қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади

***Мустақиллик йилларида касаба уюшмаларининг фаолияти тубдан ўзгарди. Эндиликда мазкур ташкилот жамиятимизни ва амалга оширилаётган ислоҳотларни олға силжитувчи куч сифатида шаклланаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Наманган вилоят кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгаши яқинда бўлиб ўтган тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши қурултойи қарорлари ҳамда Ҳаракат дастури асосида фаолият кўрсатмоқда. Унга асосан келишувлар ва жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларни иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашни тўлақонли амалга ошириш учун барча имкониятларини сафарбар этишяпти. Шунингдек, нарх-навонинг ўзгариб бориши натижасида инфляция даражасига қараб иш ҳақларини индексациялаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини тушиб кетишига йўл қўймаслик, улар меҳнатини муҳофазалаш ҳамда соғломлаштириш масалалари ҳам вилоят қўмитасининг диққат марказида.***

Жойларда муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланган келишувлар ҳамда жамоа шартномаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган тартибга биноан экспертиза қилиш ва рўйхатга олиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида жамоа шартномаларига киритилган бандларнинг тўлақонли бажарилишига эришиляпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, жамоа шартномаларига асосан ҳар бир меҳнаткашга сарфланаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шунингдек, жамоа шартномаларига касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий-манфаатларини ҳимоялашга қаратилган янги-янги бандлар киритилмоқдаки, бу меҳнаткашлар турмуш ҳамда иш шароитларини сезиларли даражада яхшиланишига олиб келмоқда. Косонсой туман кенгаши ва туман «Матлуботсавдо» акционерлик компанияси, Наманган шаҳар кенгаши ва экология экспертиза корхонаси, Поп тумани кенгаши ҳамда «Матлуботсавдо» акционерлик компаниясида тузилган жамоа шартномаларини бажарилиши бўйича ижобий ишлар амалга оширилиб, тармоқ ишчи-хизматчилари учун 15 фоизлик устама ҳақ тўлаш жорий этилди.

Маълумки, Президентимиз томонидан кейинги ҳар бир йил ўзига хос номланиб, унга асосан юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада кўплаб инсонларнинг манфаатлари, оилалар ҳимояси, қариялар иззат-ҳурмати, маҳаллалар ободончилиги йўлида кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти. Мана шуни ҳисобга олиб кейинги йилларда тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларига бир қатор қўшимча бандлар киритилди. Уларнинг ижроси таъминланди. Масалан, вилоят «Матлуботсавдо» акционерлик компаниясида, Чуст туман Агрофирма масъулияти чекланган жамиятда, Тўрақўрғон туман матлубот улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик жамиятида, «Марвел-Джус» қўшма корхонасида аёлларнинг маошлари сақланган ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилди. 2500 нафар кўп болали, боқувчисини йўқотган ёлғиз аёлларнинг фарзандлари учун мактаб кийимлари ва ўқув қуроллари олиб берилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан тармоқда ишлаётган пенсионерлардан 50 нафари санаторийларда дам олдирилди. 25 нафарига эса қўшимча таътиллар ва 30 нафарига кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўланди.

Лекин, фаолиятнинг мазкур йўналишига муносабат ҳамма жойда бир хил эмас. Айрим бошланғич касаба уюшма қўмиталарида жамоа шартномалари анчагина саёз тузилган. Унга киритилиши лозим бўлган қатор тадбирлар йўқ. Уларнинг ижроси ҳам суст. Масалан, Норин туман касаба уюшма кенгаши, Мингбулоқ туман «Матлуботсавдо» акционерлик компанияси бошланғич касаба уюшма қўмитаси, Янгиқўрғон туман касаба уюшма кенгашида бу борада етарли иш олиб борилмаяпти. 2003 йилга тузилган жамоа шартномаларига Меҳнат Кодексининг 161-моддасига биноан ҳар ойда икки марта иш ҳақи тўлаш ўрнига қонунга зид равишда маошни ойда бир марта берилиши кўрсатилган. Айрим бошланғич касаба уюшма қўмиталари ушбу хужжатнинг бажарилиши устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги туфайли улар тўлақонли бажарилмаяпти. Масалан, Уйчи туман Савдо харид базасида қабул қилинган жамоа шартномасидаги мавжуд 52 банддан 15 таси, Норин туман Деҳқон бозорида эса 45 та мажбуриятдан атиги 23 таси бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу боисдан ҳам жамоа шартномаларини сифатли тузиш, уларнинг лойихасини экспертиза қилиш ҳамда рўйхатга олиш жараёнида белгиланган тамойилларга қатъий риоя этиш зарур.

Кейинги вақтда вилоятда аҳолини иш билан таъминлашга, ёшларни ишга жалб этиш мақсадида юзга яқин кичик корхоналар ташкил этилди ва 350 нафар киши иш билан таъминланди. Ишловчилар учун соғлом ва бехатар иш шароитининг яратилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам муҳим вазифалардан. Бунинг учун жойлардаги касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларини сайлаш ва улар фаолиятини жонлантириш зарур. Чунки, касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади. Бунинг учун тармоқнинг барча ташкилотларида бу ишни Низом талаблари асосида ташкил этиш зарур.

Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари ўз вақтида кўриб чиқилишига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Лекин шикоятлар мазмунидан шу нарса аён бўлдики, кишилар арзимаган муаммолар билан юқори ташкилотларга мурожаат этишга мажбур бўлишмоқда. Ваҳолангки уни жойида ҳам ҳал этса бўлади. Яна бир муаммо - ходимларнинг қонунга зид равишда ишдан бўшатилишидир. Масалан, «Жаҳон бозори» очиқ акционерлик жамияти раисининг ўринбосари Азимжон Собиров ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги ариза билан вилоят қўмитасига мурожаат этди. Касаба уюшма ташкилоти мутахассисларининг аралашувидан сўнг у ўз вазифасига қайта тикланди. Бўш юрган кунлари учун унга амалдаги қонунга мувофиқ иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий муҳофазасини янада яхшилаш учун бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур. Шунингдек, улар меҳнаткашлардан қачон ариза тушар экан, деб пойлаб ўтиришлари шарт эмас. Балки ташкилотдаги аҳвол билан танишиб, керакли жойларда ҳар бир касаба уюшма аъзосига зарур бўлган ҳуқуқий маслаҳатлар беришлари лозим.

Тадбиркорларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш ҳам долзарб вазифалардан. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан «Ойдина» хусусий фирмаси, «Ҳамжиҳат» савдо бирлашмаси, «Фордсервис» кичик корхонаси, «Хилола» ҳиссадорлик жамияти, «Нам-Бум» қўшма корхоналар билан шартномалар тузилиб, уларнинг ишчи хизматчилари ҳам касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

**Н. РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Меҳнат муҳофазаси*

***Ишлаб чиқариш жараёнидаги хавфсизлик, иш шароитининг талаб даражасида бўлиши жароҳатланиш ва касб касалликларининг, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинишини таъминлайди. Мамлакатимизда бунинг қонуний асослари яратилган. Унга қатъий амал қилинаётган жойларда фавқулодда ҳоллар содир бўлмаяпти. Лекин, афсуски, баъзи корхоналарда бу масала эътибордан четда қолаяпти. Мухбиримиз Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат-техника нозири Абдуқодир Нишонов билан ана шу хусусда суҳбатлашди.***

# СЎМНИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ

- Меҳнат муҳофазаси жуда кенг қамровли масала. Лекин кўпгина иш берувчилар бу масалада асосан ходимларни махсус кийим, ювиш воситалари, махсус озиқ-овқат билан таъминлашни тушунишади. Умуман, бунда нималарга эътибор бериш керак?

- Аввало шуни айтиш керакки, меҳнат муҳофазаси корхонани лойиҳалашдан, қуриш ва жиҳозлашдан бошланади. Шу жараёнда унинг санитария-техник паспорти, содда қилиб айтганда, меҳнат муҳофазасининг мезонлари ишлаб чиқилади. Бунда иш жойларидаги ёруғлик, шовқин, намлик, тозалик, тебраниш, электр асбоблари ва ускуналарнинг ҳимояланганлик меъёрлари, уларни назорат кўригидан ўтказиш даврийлиги белгилаб қўйилади. Ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда, имтиёзлар белгилашда ишнинг зарарлилик даражаси, инсон организмига салбий таъсири ҳисобга олинади. Меҳнат муҳофазасининг қўшимча тадбирлари жамоа шартномалари орқали амалга оширилади. Мунтазам ишлаётган йирик корхоналарда бу масала ҳар ҳолда қониқарли дейиш мумкин. Аксарият муаммолар кичик, янгидан ёки қайтадан ташкил этилаётган корхоналарда кўпроқ учрайди.

- Хизмат вазифаси тақозоси билан кўплаб катта-кичик корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид ишларнинг аҳволи билан танишганман. Айрим иш берувчиларнинг бу масалага муносабати кишини ҳайратга солади. Бунга нечанчидир даражадаги иш, деб қарашади. Ҳатто баъзи корхоналарнинг бизнес режасида меҳнат муҳофазасига ажратиладиган маблағ аниқ кўрсатилмайди. Жамоа шартномасига, меҳнат муҳофазасига оид битимга киритилган тадбирлар ҳам аниқликдан анча йироқ. Амалий ишлар эса, табиийки, шунга яраша бўлади.

- Хавфсиз иш шароитининг яратилишига иш берувчи жавобгардир. Шунга кўра у ўз мажбуриятлари доирасида иш жойлари аттестациясини ўтказиш, асбоб-ускуналар созлиги ва ҳимояланганлиги устидан кунлик ва даврий назорат олиб бориши, ходимларни хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништириши керак. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг аввалидаёқ меҳнат муҳофазаси чораларини кўриши шарт. Чунки "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида "Корхона ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устувор" дейилган. Бу қоида меҳнат кишисини қадрлашнинг энг ибратли намунасидир. Ўзбекистон республикасининг Меҳнат Кодексида ҳам иш берувчининг бу борадаги мабуриятлари аниқ ифодаланган. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидалари бузилиши оқибатида ходим жароҳатланса ёки ҳалок бўлса, иш берувчи айбдорлик даражасига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги Жиноят кодексининг 257-моддасида назарда тутилган. Меҳнат бошқармаси, унинг бўлимлари ва касаба уюшма ходимлари томонидан меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишлар аҳволини назорат қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Фикримча, меҳнат қонунчилиги ижроси бўйича прокуратура идоралари жойларда талабчанликни кучайтирса, янада яхши бўларди.

- Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар оқибатида одамлар ҳалок бўлаётгани, жароҳатланаётгани, касб касалликларига чалинаётгани сир эмас.

- Бизда мавжуд маълумотларга қараганда, вилоятда 2003 йилда 29 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. 22 киши ҳалок бўлган, 11 киши жароҳатланган. 2004 йилда 19 та бахтсиз ҳодиса 9 кишининг умрига зомин бўлиб, 12 кишини жароҳатлаган. Кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарган бўлса-да, бизни қониқтирмайди. Чунки бундай ҳолатнинг биттаси ҳам кўп. Моддий зарарни-ку бир қадар қоплаш мумкин. Лекин маънавий зарар ҳам бор. Йўқотилган саломатликнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Негаки, хаста ёки ногирон кишининг ҳаётини бахтли дея олмаймиз.

- Бахтсиз ҳодисада жароҳатланиш оқибатида етадиган зарар хусусида батафсилроқ тўхталайлик. Айрим иш берувчилар меҳнат муҳофазасига мўлжалланган маблағни тежаши натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодиса нисбатан анча қимматга тушишини ўйлаб кўришмайди. Шунинг учун тахминий ҳисоб-китобга асосланган бирорта мисолни таҳлил қилиб берсангиз.

- Вилоятдаги корхоналарда меҳнат муҳофазасига сарфланаётган маблағ бир йилда ҳар бир ходим ҳисобига ўртача уч минг сўмдан тўғри келади. Алоҳида олинган корхона учун бу унчалик катта маблағ эмас. Лекин бахтсиз ҳодисанинг зарарини қоплашга сарфланадиган маблағ миқдори бундан анча ошиб кетади. Айтайлик, бахтсиз ҳодиса туфайли ходим ҳалок бўлса, унинг оиласига 6 йиллик ўртача ойлиги миқдорида товон тўланади. Агар ходим жароҳатланса, унга камида бир йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида товоң пули берилади. Бундан ташқари, пенсия харажатларини қоплаш, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги даражасига мутаносиб миқдорда зарар пули тўлаш, даволаниш билан боғлиқ харажатларга маблағ ажратиш керак бўлади. Шуни унутмаслик керакки, меҳнатда майибланган ходимга бериладиган бу тўловлар унинг умри охиригача иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, жаҳон бўйича бир йилда фақат касб касалликларига чалиниш туфайли етказилган зарарни қоплашга 1 триллион 250 миллиард доллар сарфланар экан. Бу эса ўртачароқ ривожланган давлатнинг йиллик даромадидан ҳам зиёд. Хуллас, иш берувчи меҳнат муҳофазасига мўлжалланган маблағни тежаб, мамлакат иқтисодиётига зарар етказиш хавфини туғдираётганини унутмаслиги керак.

Ўтказилган текширишларда Ингичка қўрғонидаги "Qilza-AR" (Гильза-АР) ва "Гипс" МЧЖларда хавфсизлик йўриқномалари мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу ишларга катта маблағ талаб қилинмайди. Нарпай туманидаги "Оқ олтин", "Зарафшон" ширкат хўжаликларида, Пахтачи туманидаги тош-шағал заводида, ғишт заводида маблағ йўқлиги туфайли иш жойлари белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказилмаган. Яна бир муҳим масала шундаки, ходимлар сони 50 дан ошган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилиши ёки лавозими жорий қилиниши белгиланган бўлса-да, жойларда бунга эътибор берилмаяпти.

- Иш берувчи ишлаб чиқариш ва ундан кўпроқ даромад олиш учун қайғуриши табиий. Лекин меҳнат муҳофазасининг аҳволини назорат қиладиган мутасаддилар, касаба уюшма ташкилоти бор. Бу борада уларнинг талабчанлиги зарур шекилли.

- Шундай бўлиши керак. Лекин ҳақиқатда бошқача манзара намоён бўлмоқда. Меҳнат муҳофазасига мутасадди шахс лавозимига кўра иш берувчига бўйсунади ва у маъмурият ходими ҳисобланади. Ҳозир аксарият корхона, ташкилотларнинг касабақўм раислари асосий ишдан ажралмаган ҳолда (штатсиз) фаолият кўрсатади. Демак, у ҳам иш берувчига итоат қилади. Умуман, жамоа аъзоларига келсак, улар меҳнат муҳофазаси бўйича етарли тушунчага эга эмас. Бинобарин, нима, қандай талаб қилишни билишмайди. Шунинг учун ҳам жойларда жамоа шартномалари, меҳнат муҳофазасига оид битим номигагина тузилади ва бажарилмайди.

- Бундай муаммоларни ҳал қилиш, фаолиятдаги нуқсонларга барҳам бериш учун нима қилиш керак?

- Лўнда қилиб айтганда меҳнат қонунчилиги талабларини тўлиқ бажариш шарт. Меҳнат муҳофазасини талаб даражасида ташкил қилиш иш берувчига кўпроқ наф келтиради. Яъни касалланиш туфайли иш куни йўқотилмайди, ишлаб чиқариш суръати ва ҳажми камаймайди, даромаднинг бир қисми жароҳатланганларга зарар пули тўлашга кетмайди. Бунга қўшимча ортиқча харажатлар тежалади.

**Суҳбатдош:**
**Р. ҚУРБОНОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

***Ўтган йили ташкил этилган «Сарибел-Диамет-Қоракўл» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалигига катта миқдорда сармоя олиб келди. Қоракўл терини қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳисобидан 63,5 минг АҚШ доллари даромад қилган корхона раҳбарияти сармоя миқдорини бир ярим бараварга ошириш ниятида.***

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-АҚШ, «Велан» Ўзбекистон-Россия, Навбаҳор туманидаги «Бентонит» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхоналари ҳам чет эл сармоясини киритишда ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот» ҳиссадорлик жамиятлари, «Нуротамармар» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси каби ўнлаб корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, мармар плиталари, кимёвий моддалар сингари ранг-баранг маҳсулотларнинг харидорлари хорижда ҳам кўпаймоқда.

- Хорижий давлатларга маҳсулот жўнатишни тобора кўпайтираяпмиз, - дейди Навоий вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Ёрматов, - 2004 йили вилоятимиз 380 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткични қарийб 52 миллион АҚШ долларига етказдик. Йил охиригача вилоятимиз экспорти ҳажми 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

**(ЎзА)**

## КОНИ ФОЙДА

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданият ва тиббий хизмат самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Нукусдаги 2-республика шифохонасининг янгидан бунёд этилаётган мажмуида сув билан даволаш бўлими фойдаланишга топширилди. Бўлим бир вақтнинг ўзида ўттиз тўрт кишига хизмат кўрсатади.

Шифохонанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергенов мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Барча шарт-шароит муҳайё этилган шифохонада турли адабиётларга бой кутубхона, ошхона беморлар хизматида.







Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига қарашли "Саёҳат - сари" меҳмонхонасида ҳозирда қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтгача бинонинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қаватлари тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. 120 ўринга мўлжалланган меҳмонхонанинг биринчи ва иккинчи қаватларида ҳам бу юмушлар давом эттириляпти.

Қурилишда 4-қурилиш тресги ва 4-участка бунёдкорларидан иборат жами 35 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Корхона томонидан уларга зарур шарт-шароитлар яратилиб, ишчилар меҳнати алоҳида рағбатлатирилмоқда.

Барча хоналар замон талабларига мос жиҳозланган. Шунингдек, меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилмоқда.

**Суратларда: қурувчилар фаолиятидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

# ЭНГ ФАОЛ МАҲАЛЛА ПОСБОНИ

***Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жойлардаги профилактика нозирларининг маҳалла фаоллари, посбонлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Милиция таянч пунктларидаги тажрибали, фидойи ва ўз касбини севувчи ходимларнинг тинимсиз меҳнати туфайли бу борада ижобий самараларга эришилмоқда.***

Яқинда Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг республика босқичида Бўка туманидаги «Қорақўйли» маҳалласи посбони Салимжон Фозилов «Энг фаол маҳалла посбони» деб топилди. Бу унга элу юртга фидокор фарзандлиги учун берилган баҳо эди.

Салимжон ўрта мактабни битиргач, тенгдошлари қатори ҳарбийда хизмат қилди. Кейин туман марказидаги қурилиш ташкилотида бир неча йил сидқидилдан меҳнат қилиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. 2003 йилнинг августида маҳалладошлари уни ҳудуд посбонлигига сайлашди. Эл ишончини ўзи учун шараф, деб билган Салимжон кечаю кундуз тиним билмай кишилар осойишталиги, тинчлиги йўлида елиб-югурди.

— Маҳалламизда 620 та хонадон бор, - дейди у. - Уларнинг тинч-тотув, аҳил яшашига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Давр огоҳликни талаб этмоқда. Кечалари навбатчилик қилиб, аҳоли хавфсизлигини таъминлаймиз. Маҳалламизга келган ҳар бир бегона одам, машина эътиборимиздан четда қолмайди. Ёшлар ўртасидаги майда безорилик ва ўғрилик иллатлари, қўни-қўшнилар орасидаги келишмовчиликлар, оилавий можароларга барҳам беришимиз жамоатчилик назоратида етакчи аҳамият касб этмоқда.

Ҳар куни эрталаб ва кечки пайтда фуқаролар йиғинида фаоллар тўпланиб, бажарилган ҳамда режадаги ишлар хусусида маслаҳатлашишади. Бундай вақтларда Салимжон дадил фикрларни ўртага ташлаб, зийраклигини намойиш этади. Мудом одамлар ташвиши билан, тиниб-тинчимайди. Ҳудуддаги ободончилигу тозаликдан тортиб интизомсиз болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашишгача — барча ишларда у фаол.

Элнинг дуосини олиб, обрў-эътибор топаётган Салимжон Фозилов ҳаётининг мазмунини ўзгалар корига ярашда, қувончига шерик бўлишда деб билади.

**Обид ҚУЛНАЗАРОВ,**
**Темур ҲАЙДАРОВ**

***Қуйичирчиқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг футбол бўйича вилоят босқичи мусобақалари якунланди. Унда олти жамоа ўзаро куч синашди.***

# ЧИРЧИҚЛИКЛАР - ҒОЛИБ

Чирчиқ олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ангрен кимё-саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежи жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолиб жамоа «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг мамлакат босқичида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилади.

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда*

# МУРАББИЙЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Ёшларни ватанпарвар, оқил инсонлар бўлиб етишишини таъминлаш ва миллий руҳда тарбиялаб, таълим беришни шакллантириш масаласига ҳукуматимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор бериб келмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни жадаллаштиришнинг бир қатор истиқболли режалари ишлаб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» шулар жумласидандир.***

Ўтган даврда ана шу дастур ва қонун бўйича Хоразм вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу боис мактабларда ўқув йўналишлари миллийлик тамойиллари билан йўғрилган бўлса, ҳунар ўргатиш ва касб-корлик соҳаларида янада кенг қанот ёзмоқда.

Боғот туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ана шулардан бири. Унинг қурилиши ва замонавийлигига алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз. Аммо шуниси аёнки, ҳунармандчиликни бобомерос касб қилиб келаётган воҳаликлар сал бўлмаса ундан мосуво бўлаёзганди. Номигагина фаолият кўрсатган ҳунар билим юртларида мактаблардаги ўзлаштиролмаган ўқувчилар мажбуран тиқиштирилар, илм ва ҳунарга чанқоқлари эса Тошкентга, бошқа вилоятларга бориб таҳсил олишга мажбур эди.

Истиқлол эпкинлари туфайли нафақат боғотликлар, балки ён-атрофдаги бошқа туман ёшларининг ҳам бу борадаги орзулари ушалди. Улар ўз уйида, қишлоғида туриб ҳунар ўрганишяпти, яратилган барча шароитлардан манфаатдор. Тўртинчи йилдирки, коллежни битириб чиқаётган ёшлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида корхона, ташкилотларда ишлаб, ўрганган билимларини ҳаётга татбиқ этишмоқда, маҳсулот ишлаб чиқариб, эл-юрт хизматида бўлишяпти.

Қайсидир соҳада бугун бошланган иш эртасига ҳеч бир ўзгаришсиз давом этиши мумкин. Аммо ҳунармандчилик эса бир жойда депсинишни хушламайди. Шу сабабли коллежда соҳалар такомиллаштирилиб, янги йўналишлар турлари кенгаймоқда.

Бу ердаги таҳсил олиш ва касб ўрганиш соҳалари бир неча бўлимлардан иборат. Чунончи, тикувчилик устаси, автомобилларни ишлатиш ва таъмирлаш, ҳисобчилик, компьютер бўлими – жами 11 та йўналишни ўзида жамлаган фан хоналари компьютер ва лингафон билан таъминланган, ишлаб чиқариш устахоналари эса замонавий дастгоҳларга эга. Очиғи, коллеж хоналарини айланган киши чекка бир тумандаги ҳунар мактабида эмас, балки ривожланган давлатлардаги катта бир даргоҳга кириб қолгандай ўзини ҳис этиши турган гап. Ҳолбуки яқин-яқинларгача бундай жойларда таҳсил кўришни ёшлар орзу қилишганди.

Шу ўринда коллеж ота-оналар кенгашидан қайтаётган Олимбой Яхшимуродовнинг бу ҳақдаги фикрига қулоқ тутсак: илгарилари бундай жойларни фақат орзу қилардик. Фарзандларимизни узоққа юборолмасдан усталар ёнига шогирдликка қўярдик. Шукрки, энди ўзимизда бор. Икки нафар фарзандим шу ерда таҳсил олаяпти, танлаган соҳаси бўйича анчагина қўли келиб қолган, – дейди у.

Таълим бериб, касб ўргатиш борасида узоққа мўлжалланган истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Айни пайтда унга кўра мутахассисларни бу ерга жалб этишга алоҳида эътибор билан ёндошилаётир. Урганч давлат университети ва корхона, ташкилотлардан тажрибали кишилар жалб этилган. Дарсдан ташқари бўш вақт мазмунли ўтиши учун барча шароитлар бор. Умумтаълим фанлари соҳасида 12 та, 8 та спорт секциялари, касбий таълим бўйича 4 та тўгарак мунтазам ишлаб келмоқда.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармонига асосан ўқув масканида алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 3 та спорт мураббийлар гуруҳи 100 дан ортиқ ёшларни футбол, кураш, теннис, каратэ каби турлари бўйича шуғуллантирмоқда. Ўтган даврда Ҳамид Юсупов, Анвар Аҳмедов, Соли Латипов, Анвар Юсупов сингари талабалар кураш бўйича туман, вилоят босқичларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Коллеж талабалари қаторида тумандаги Ашхабод ва Найман маҳаллаларидаги вояга етмаган ёшлар ҳам оталиққа олинган. Мураббийлар ҳафтада 3 кун улар билан машғулотлар ўтказадилар.

Вилоятда ҳозирги кунда ўнлаб касб-ҳунар коллежлари ёшларни ўз бағрига олган. Шундай экан, битирувчиларни доимий ишли бўлишини таъминлаш масаласи қандай ечим топяпти, деган савол туғилиши мумкин. Бу муҳим масала Боғотдаги мазкур илм даргоҳида аллақачон ҳал этилган. Яъни талабаликка танловдан олдин мавжуд корхона ва ташкилотлардан сўровномалар асосида рейтинг ўтказилади ва талабга кўра режалаштирилади. Амалий машғулотлар даврида ўқувчилар ана шу корхоналарда иш ўрганишади. Шу кунгача 11 та мутахассислик бўйича коллежни битирган 150 нафар ёшлар иш билан таъминланган.

Ўқувчи ёшлар ва мураббийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоа шартномаси бандларида аниқ қилиб белгиланган. Коллеж касаба уюшма етакчиси Йўлдош Аҳмедовнинг таъкидлашича, ижтимоий муҳофазага муҳтож 7 нафар ногирон ва 36 нафар боқувчисини йўқотганлар касаба уюшмаси ҳамда маъмурият оталиғида. Уларга ҳар байрамда совға-салом, кийим-кечак ва ўқув қуроллари бериб борилади.

Таътил ойларида вилоятдаги «Хонқа» санаторийсига юборилиб, соғликларини тиклашга кўмаклашилади.

Мураббий ва мутахассислар иш тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилиб борилади, шунга қараб рағбатлантирилади. Бу уларни ўз устида ишлашига, илғор ўқитувчи-мутахассислар сафи кенгайишига имкон бераётир. Умуман, коллеж ёшлари ҳам, педагог жамоа ҳам машғулотлардан ташқари бўш вақтларини самарасиз ўтказмаслиги учун маъмурият ва касабақўм ҳамиша бош-қош. Яқинда бу ердаги кутубхона фонди улар саъй-ҳаракати билан 6595 тага етказилди. Ўқув заллари китобхонлар билан ҳамиша гавжум. Бу юмушлар қаторида жамоа атрофидаги маҳаллалардан беш нафар уруш ногирони ва уч нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ кишиларни ўз оталиғига олган. Байрам ва тадбирлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ НАЗОРАТИ

Туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор берилаяпти. Ҳозир бу ерда 133 та сув миноралари ишлаб турибди. Бу иншоотларнинг иши, санитария ҳолати ДСЭНИ ходимларининг доимий назоратида. Улардаги ҳолат хусусида тегишли идораларга ҳар ҳафтада маълумот берилади. Сув миноралари бир меъёрда ишлаши, улардаги ҳолат талаб даражасида бўлиши учун ширкат хўжаликлари, туман "Агросувоқова" ташкилоти томонидан амалий чоралар кўрилмоқда.

Эпидемиологик ҳолатни назорат қилиш учун кишиларнинг касалликларга чалиниш даражасини, сабабларини билиш муҳимдир. Шу боис тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганлар, айниқса иситмаси юқори бўлганлар текширилмоқда. Бунинг натижаларига кўра муолажалар қўлланилади, профилактик эмлаш тадбирлари амалга оширилади. Маҳаллаларда, мактабларда тушунтириш ишлари, семинарлар ўтказилаяпти.

Туманда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури доирасидаги режага асосан ҳар бир мактаб, маҳаллаларга бир нафар шифокор ва санитария ходими биркитилган. Чунки болаларнинг соғлом бўлиши ҳамма нарсадан муҳимроқ. Мактаб ўқитувчилари эса ҳар бири 10 тадан хонадонда тушунтириш ишлари юритишни ўз зиммаларига олишган. Бу билан профилактик-тарғибот ишлари кўлами кенгайишига эришилмоқда. Туман ҳудудининг табиий жойлашишига кўра безгак касаллиги пайдо бўлиши хавфи нисбатан юқори ҳисобланади. Шунинг учун аҳолига тушунарли маълумотларга эга бўлган йўриқномалар тарқатилди.

Чет элга чиқиб келувчиларнинг саломатлиги узлуксиз назорат қилинмоқда. Шу мақсадда туманда 6 та лаборатория ишлаб турибди. Туман ҳудудида шолипоялар мавжудлиги безгак касаллиги тарқалишининг манбаи бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай жойлар Ворсин, Кундузак, Деҳқонобод, Қўтирбулоқ қишлоқлари атрофида кўпроқ. Бу ерларда зарарсизлантириш тадбирларини ўтказиш билан бирга табиий усуллар ҳам қўлланилмоқда. Масалан, сув ҳавзаларида гамбуз балиғи урчитилаяпти. Чунки бу балиқ чивин ва бошқа ҳашаротларнинг тухумини еб, сувнинг тозалигини таъминлайди. Бу усул экологик тозаликка ҳам хизмат қилади.

**Р.РУСТАМОВ**

# БИЗНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

***Тошкент Ахборот Технологиялари университетида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда эътиборга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.***

Бакалаврлик босқичини тугатаётган талабалар яқинда чет тили ва тарих фанларидан давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширишди. "Телекоммуникация тизимлари" факультетининг касбий таълим йўналиши бакалаврлари эса тез орада амалиётга киришадилар. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳалари фанлари билан бир қаторда педагогик жараённи ҳам ўзлаштирган талабалар университет тасарруфидаги академик лицей, лицей-интернат, радиотехника ҳамда алоқа коллежларида ўз билим ва малакаларини мустаҳкамлашади.

Куни кеча амалиёт ўташга тайёр талабаларнинг билим савияларини яна бир карра синовдан ўтказиш мақсадида "Янги педагогик технологиялар ва касбий таълим методлари" мавзусидаги якуний очиқ машғулот ўтказилди. Унда "Касбий педагогика", "Ўзбек ва рус тиллари" кафедралари ўқитувчилари ҳамда касбий таълим йўналишида таҳсил олаётган қуйи босқич талабалар кузатувчилар сифатида қатнашди. Олий таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг жорий қилинишини намойиш қилишга йўналтирилган машғулотга фан ўқитувчиси Махсума Миҳриддинова раҳбарлик қилади.

Очиқ дарс машғулотларини талабаларнинг ўзлари олиб боришди. Аудитория ўзига хос жиҳозланди. Ҳар бир фикр, вазият кўргазмалилик асосида мустаҳкамлангани кузатувчилар томонидан эътиборга сазовор деб топилди.



Машғулотни тайёрлаш ва олиб боришда барча талабалар фаол иштирок этди. Гулноза Бердиева, Райгул Жумабекова, Хадича Сойипова, Зафар Орзиқулов, Дилфуза Юсупова, Жаҳонгир Каримов ва Марат Қурбонқулов каби талабалар рағбатлантирилди.

**А.ТУРСУНОВА,**
**Б.ШЕРМАТОВ**

## БИРИНЧИ САЁҲАТ БОЗОРИ

Пойтахтимизда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Савдо-саноат палатаси ва Жаҳон туризм ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси кўмагида Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилган «Sayohat bozori» сайёҳлик биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда бундай биржа биринчи марта ўтказилди ва у янги сайёҳлик мавсумининг очилишига бағишланди. Унда сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар, агентликлар, фирма ва компаниялар иштирок этди.

Биржага ташриф буюрганлар шахсий, оилавий, соғломлаштириш, ишбилармонлик ва ўқитиш турларини ташкил этиш, дам олиш ва таълим туризми, турли экскурсиялар, авиачипталар ва меҳмонхонадан хона буюртириш, туризмда суғурта хизмати каби кўплаб хизматлар билан танишиш имконига эга бўлди.

- Мижозларимиз сони йилдан йилга ортиб бормоқда, - дейди «Сайрам туризм» компаниясининг қабул бўйича менежери Елена Зиркина. - Улар, асосан, Япония, Франция, Австрия, Испания, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан келган сайёҳлардир. Қиш фаслида ҳам ўз хизматларимизни муваффақиятли амалга ошириш имконини берадиган янги маҳсулотнинг жорий этилиши туфайли яхши натижаларга эришдик. Янги мавсумда ўз фаолиятимизда ички сайёҳликни ривожлантиришга ҳам эътиборни кучайтирамиз.

**(ЎзА)**

*Қонун барчага баробар*

# ХАРИД ЧЕКИНИ УНУТМАНГ

Бугун юртимизда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда фаолият юритиб, иш кўламини тобора кенгайтириб бораётган уста тадбиркорлар кўплаб топилади. Улар кичик корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларини очиб, янги иш ўринлари яратишяпти. Бир сўз билан айтганда, кўпчиликка ибрат бўлаётган бундай ишбилармонларнинг ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам нафи тегмоқда.

Республикамизда соҳа тараққиёти учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этган жисмоний ва юридик шахсларнинг бошланғич фаолиятларини йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Айни вақтда ҳам ушбу йўналишда кенг қамровдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, тадбиркорлик ниқоби остида ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Бундай сохта тадбиркорлар мўмай даромад орттириш, киссани пулга тўлдириш илинжида қонунга хилоф кўплаб хатти-ҳаракатларга қўл уришмоқда. Ачинарлиси шундаки, улар қинғир ишнинг қийиғи бир кун албатта чиқишини, жиноятга жазо муқаррар эканлигини унутиб қўйишяпти.

Бўлимимиз ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида туман ҳудудида иш юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунийлиги юзасидан қатор текширувлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар натижасида бир нечта қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Шу ўринда бир мисол. Хусусий тадбиркор Шуҳрат Ҳайитбоев туманимизнинг Ибн Сино мавзесида «Минимаркет» дўконини очиб, бир қанча вақт фаолият юритган. Қўй оғзидан чўп олмаган тадбиркор, гўёки барча ишларини қонун доирасида олиб борган. Лекин бу ерда ўтказилган текширишлар жараёнида унинг қатор ноқонуний ҳаракатлари фош қилинди. Текширув ўтказилган куни Ш.Ҳайитбоев дўконда назорат-касса ўрнатилган бўлишига қарамасдан харидорга харид чеки бермасдан савдони амалга оширган. Шунингдек, дўкондаги савдо пуллари ҳисобланиб, назорат-касса машинаси кўрсаткичлари билан таққосланганда, 425 минг сўм банкка топширилмаганлиги ойдинлашди. Бу ҳаракати билан тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини қўпол тарзда бузган. Савол туғилади: хўш, назорат-касса машинаси хўжакўрсингами? Боз устига, дўконда 103 турдаги салкам 806 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган, божхона декларацияси ҳамда сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун сақланганлигини қандай тушуниш мумкин?

Ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат жазосиз қолмайди. Шу жумладан, тадбиркор Ш.Ҳайитбоев ҳам пировардида қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Унга нисбатан Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан 653 минг сўм миқдорида молиявий жарима тўлаш чораси қўлланилди. Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига кўра энг кам иш ҳақининг 40 баробаридаги жарима билан «сийланди».

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул, дейишади. Бир зумда бойиб кетишдек хомхаёл билан ноқонуний ишга қўл уришдан аввал «тадбиркорлар» унинг оқибатини ўйлаб кўришлари лозим. Зеро, сўнгги пушаймондан фойда йўқ.

**Олимжон ДАДАБОЕВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта суриштирувчиси**



***Уйчи туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида ҳам ўтган йил муваффақиятлар йили бўлди. Олинган соф даромад 98 миллион сўмни ташкил этди. Ишловчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани ютуқлар омили бўлди. Яқинда хўжалик техника саройида баҳорги экишга тайёргарлик юзасидан туман бўйича ўтказилган кўрик-семинар қатнашчилари техника саройида ишчиларга яратилган қулайликлар билан танишиш билан бирга эртанги кун вазифаларини ҳам белгилаб олдилар.***

**Суратда: кўрик-семинардан лавҳа**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

***САВОЛ: ходимни доимий ва вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг тартиби ва муддатлари ҳақида маълумот берсангиз?***

**К.АКБАРОВ,**
**Пахтачи тумани**

# Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**ЖАВОБ:** амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан шахс ишга қабул қилинаётганида у билан ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси тузилади ва меҳнат шартномасида шахс ва иш берувчининг келишуви асосида қуйидагилар белгиланади:

иш жойи, яъни муассаса ёки унинг бўлинмаси;

ходимнинг меҳнат вазифаси - мутахассислиги, малакаси, унинг лавозими;

меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;

меҳнат ҳақи миқдори, асосий ва қўшимча таътилларнинг муддати;

меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасида юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар келишиб олинган экан бу шартларни ходим ёки иш берувчи томонидан бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам Меҳнат Кодексининг 92-моддасига асосан ходимни бошқа доимий ишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишларни текширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ҳозирги Меҳнат Кодекси талабига мувофиқ ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш фақат у фаолият кўрсатаётган муассаса доирасида амалга оширилади. Ходимни бошқа муассасага ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод қилиш ва бошқа муассасага шу асосда ишга қабул қилиш қонунда белгиланмаган. Шу сабабли ходим бошқа муассасада ишлашга қарор қилса, аввал иш жойидаги меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра (ўз ташаббуси, томонларнинг келишуви ва бошқалар) бекор қилиниши мумкин.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси штатларнинг қисқариши, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги (аттестация натижасига кўра) ёки соғлиғи ҳолатига кўра (тиббий меҳнат эксперт комиссияси ёки тиббий консультатив комиссияси хулосаси) бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши, мулкдорнинг алмашиши сабабли муассаса раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги кутилаётганда, шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, муассасада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим таклиф қилинган ишларнинг бирортасида ишлаш хоҳишини ёзма равишда билдирса, у буйруқ асосида шу ишга ўтказилади.

Амалиётда суд ҳукми билан ходимга нисбатан муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш (масалан: врачлик фаолияти, моддий жавобгар шахс ва бошқалар) ҳуқуқидан бир йилдан беш йилгача муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо чораси қўлланиш ҳоллари учраб туради. Бу ўринда шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, ушбу жазо қўлланилганда ходим умуман у ёки бу муассасада ишлаш ҳуқуқидан эмас, балки муайян лавозимларни эгаллаш ва муайян иш турларини бажариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Шундай экан, бундай ходим суд ҳукмида кўрсатилган ишлардан ташқари ва соғлиғига зид бўлмаган муассасада мавжуд бўлган ҳар қандай ишларни қонун талаблари асосида бажариши мумкин бўлган ишга унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин.

Ходим маълум бир муддатга ўзаро келишув асосида бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилади.

**БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**





Бу вақтинча бошқа ишга ўтказилишида ходим ҳам, иш берувчи ҳам ташаббус билдириш ҳуқуқига эга. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимни аввалги ишига қайтариши шарт.

Ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ташаббус, агар бу узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш муассасада мавжуд бўлса, иш берувчи бундай ташаббусни қаноатлантириши керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабабларнинг рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органи ўзаро келишиб белгилайди.

Меҳнат Кодексининг 218-моддасига асосан иш берувчи соғлиқнинг ҳолати бўйича ходимни бошқа ишга вақтинчалик ёки муддатини чекламай ўтказиш тиббий хулосага мувофиқ ходимнинг розилиги билан амалга оширади.

Ходим соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда барча ходимларга бериладиган умумий кафолат шундан иборатки, бундай ходимларнинг бошқа ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ишда майиб бўлиб қолганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган шахсларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлик гуруҳи белгиланган кунгача тўланади.

Қонунчиликда ҳомиладор ва икки ёшгача боласи бор аёлларга бошқа ишга ўтказишда имтиёзлар белгиланган. Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор ва икки ёшгача боласи бор аёлларнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш меъёрлари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Қонунда иш берувчининг ташаббуси билан ходим учун мажбурий бўлган бошқа ишга вақтинча ўтказиш тартиблари белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши умуман таъқиқланади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш даврида ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Бошқа ишга ўтказишнинг энг кўп муддатлари, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти ҳоллари жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда тузилади. Агар бу талаблар бажарилмаган бўлса, иш берувчи ҳатто ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш ҳолати мавжуд бўлганида ҳам, ходимни фақат унинг розилиги бўлгандагина бошқа ишга ўтказиши мумкин.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади ва меҳнат дафтарчасида акс эттирилмайди.

